
Фуқаролар мурожаати ўрганилди.

Ижтимоий тармоқлар орқали Қува туманидаги Ижтимоят ҳамда Сойбўйи кўчаларининг ички йўллари таъмирталаблиги юзасидан мақолалар чоп этилган эди. Мазкур масалани жойига борган ҳолда ўрганиш ва ҳал этиш чораларини кўриш мақсадида тегишли масъуллар билан биргаликда мазкур кўчаларга ташриф буюриб мавжуд ҳолат ўрганилди. Ўрганиш давомида Ижтимоят кўчаси ўтган йилларда асфаллаштирилган бўлиб ҳозирда даражасида эмас. Шунингдек Сойбўйи кўчаси ҳам асфальтлаштирилганлигига узоқ йиллар бўлганлиги, мазкур кўча ҳам ҳозирда таъмирга муҳтож эканлиги аниқланди. Ушбу кўчаларни навбатма-навбат ажратилаётган маблағлар ҳисобидан асфальтлаштирилиши ва дастурга киритилиши белгилаб олинди.

Қува туман ҳокимлиги

Ахборот хизмати

2021-04-02 12:31:46